

Алимов Оқилиддин  
ТДШУ таянч докторанти

## ПОСТ-ПАНДЕМИЯ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИ

Инсоният ўз тарихи давомида кўплаб хатарли юқумли касалликлар, турли эпидемияларга дуч келган. Турли даврларда содир бўлган касалликларнинг глобал миқёсда тарқалиши мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволдан қатъи назар жиддий оқибатларга олиб келган, миллионлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган. Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб тарқалган коронавирус пандемияси ҳам бундан мустасно эмас. XXI асрда тиббиёт ва иқтисодиётнинг юқори даражасига қарамай, инфекциянинг тарқалиши кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда ва жамият ҳаётининг одатдаги турмуш тарзига мисли кўрилмаган таъсир қилмоқда. Глобал пандемия билан боғлиқ юзага келган кескин вазият дунё афкор оммасини ташвишга солмоқда, давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар олдидаги энг долзарб муаммо бўлиб турибди.

Бугунги кунда кўпгина мутахассислар томонидан пандемиянинг сиёсийлашуви ҳамда пандемиядан кейинги халқаро муносабатларнинг янги манзараси ҳақида фикрлар илгари сурилмоқда. Шунингдек, пандемия келгусидаги жамиятнинг демократик тузилиши ва умуман глобаллашув қадриятларига зарба сифатида қаралмоқда. Бироқ, глобаллашув ҳам ғоявий, ҳам амалий жиҳатдан ривожланиб бораверади. Индивид ва мамлакатлар ўртасидаги янги алоқаларнинг доимий ривожланиб бориши тўхтатиш мумкин бўлмаган жараён дир. Аммо, глобаллашув шакллари шубҳасиз ўзгаради. Халқаро ҳамжамият миллий ва глобал ривожланиш вазифалари ўртасида янги мувозанатни топиши керак бўлади. Бундан ташқари, кўплаб давлатларда, айниқса, Италия, Испания, Франция, Англияда демократия тарафдорлари ва демократик партияларнинг обрўси пасайиши кутилмоқда.

Кўплаб давлатларнинг инқироз ёқасига келиши ва унинг миқёси 2008-2009 йиллардаги молиявий инқироз билан таққослаганда ундан юқори бўлиши тахмин қилинмоқда. Дунё бўйлаб ўн минглаб корхоналар, биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнес жиддий зарар кўриши, ишсизлик даражасининг ортиши ҳамда ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши башорат қилинмоқда. Бунда, Европа Иттифоқи ва АҚШ энг кўп зарар кўрган давлатлар бўлиши кутилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби А. Гутеррешнинг таъкидлашича, пандемия оқибатларини бартараф этиш учун жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизини сарфлаш керак бўлади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Guterres A. Opening remarks at virtual press encounter to launch the Report on the Socio-Economic Impacts of COVID-19. 31.03.2020. URL: <https://www.un.org/sg/en/content/sg/speeches/2020-03-31/remarks-launch-of-report-the-socio-economic-impacts-of-covid-19> (дата обращения: 02.03.2020).

Дунёда кечадиган ҳар қандай глобал масштабдаги жараёнлар – булар, глобал молиявий инқирозлар ёки иқтисодий рецессиялар бўладими, турли зиддият ёки қуролли тўқнашувлар бўладими, тектоник силжишлар, техноген офатлар, геосиёсий трансформациялар бўладими, глобал эпидемия, пандемиялар бўладими, энг аввало, халқаро энергетика хавфсизлигига, энергетика муносабатларига жиддий таъсир кўрсатади.

Шу жиҳатдан, халқаро энергетика хавфсизлиги дунёда кечадиган ҳар қандай глобал жараёнларга ўта таъсирчандир. Нефть нархларининг ҳозирги пасайиши охир оқибат пандемияга айланган янги коронавирус эпидемияси дунё бўйлаб тез тарқалиши ва шунга боғлиқ равишда дунёда бизнес ва ишбилармонлик фаоллиги, айниқса, хизматлар, туризм ва транспорт соҳаларидаги чекловлар билан ҳам боғлиқ. Кўплаб давлатлардаги карантин чоралари туфайли таълим муассасалари, кино-театрлар, кўргазмалар ёпилди, йирик мегаполисларда жамоат транспортлари қатнови тўхтатилди, шахсий транспорт воситалари ҳаракати чекланди, халқаро бизнес форумлари, конференциялар ва спорт тадбирлари бекор қилинди. Буларнинг барчаси нефть ва бошқа энергия ресурсларининг истеъмоллини сезиларли даражада камайишига ва натижада жаҳон бозорида нефть нархларининг пасайишига олиб келди.

Шундоқ ҳам, сўнгги пайтлардаги Россия ва нефть экспорт қилувчи давлатлар ўртасидаги “ОПЕК+” формати доирасидаги ҳаракатлар энергетика муносабатлари ҳамда нефть бозорида ноаниқлик ва беқарорликнинг янги даври бошланганлигини аниқламоқда эди. Саудия Арабистони ва Россия Федерацияси ОПЕК+ нефть қазиб олишни чеклаш тўғрисидаги битимни узайтириш ҳамда 2020 йил иккинчи чорагида нефть қазиб олишни пасайтиришни сақлаб қолишга келиша олмадилар, натижада, жаҳон бозорида “брент” маркали нефть 20 долларгача пасайди ва бу 1991 йилдаги Форс кўрфазидаги урушидан бери юз берган энг ёмон кўрсаткич сифатида изоҳланмоқда. Ар-Риёд, башарти, Москва ҳам нефть қазиб олишни қисқартиришга рози бўлса, ОПЕК доирасида нефть қазиб олишни чеклашни сақлаб қолишга рози бўлишини маълум қилди. Ўз навбатида Россия томонидан ушбу таклиф Россиянинг ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириш орқали жаҳон бозорини Америка сланец нефти билан тўлдириш тактикаси сифатида қабул қилинмади. Бундай вазиятда, Халқаро Энергия Агентлиги 2020 йилда нефтьга глобал талаб камайиб кунига 90 минг баррелга тушишини башорат қилмоқда. Шунингдек, яқин кунларда нефть нархи бир баррел учун 10 долларга тушиши тахмин қилинмоқда.

Дунёдаги энг йирик нефть импортчиси Хитой бўлиб, одатда кунига 14 миллион баррел нефть истеъмол қилади – бу Франция, Германия, Италия, Испания, Буюк Британия, Япония ва Жанубий Кореянинг қўшма эҳтиёжларига тўғри келади. Аммо COVID 19 эпидемияси ва унга боғлиқ иқтисодий инқироз туфайли Хитойда хом ашёга талаб кескин пасайди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, агар нефть нархи бир баррел учун 40 доллардан паст бўлиб қолса, кўплаб компаниялар харажатларни кескин

пасайтиришга, янги лойиҳаларни, шу жумладан янги конларнинг очилишини тўхтатиб қўйишга мажбур бўлишади.

Дунё нефть бозорининг 18 фоизини истеъмол қиладиган Европа Иттифоқи давлатлари ва дунё истеъмолининг қарийб 20 фоизини ташкил этадиган Америка Қўшма Штатлари энг кескин вазиятни бошдан кечирмоқда. Турли мамлакатлардаги ёқилғи қуйиш шохобчаларида талабнинг пасайиши 30% дан 70% гача етди. Маълумки, дунёда барча нефть истеъмолининг қарийб 60% транспорт билан боғлиқ. Шунингдек, бугунги кунда бутун дунё бўйлаб авиа қатновга бўлган талабнинг пасайиши кузатилмоқда, бу пасайиш тахминан 60% ни ташкил этади, яъни керосинга бўлган талабнинг йўқолиши кунига 4-5 миллион баррелга тенг.

Бугунги кунда баъзи дунё раҳбарлари коронавирусни иккинчи жаҳон урушидан бери деярли энг даҳшатли таҳдид деб аташмоқда. Ундан кейин дунёнинг, халқаро муносабатлар тизимининг жиддий ўзгариши башорат қилинмоқда.

Пандемия шунингдек, куч ва таъсирни Ғарбдан Шарққа кўчиш жараёнини тезлаштиради. Жанубий Корея ва Сингапур коронавирусга қарши курашда самарали натижаларга эришди, Хитой эса дастлабки босқичларда хатога йўл қўйган бўлсада, кейин вазият ўнгланди. Европада ва Америкада эса вазият анча оғир. Ва ҳозир, Хитой пандемия устидан ғалаба билан ўзини дунёнинг халоскори сифатида кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, у Италияга ҳимоя воситалари ва мутахассисларни юборганида жиддий РРни қўлга киритди, деб айтиш мумкин. Европа Иттифоқи давлатлари томонидан бундай шароитда Италияга ёрдам қўлининг узатилмаганлиги келажакда Европа ҳамжамиятининг интеграциясига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Пандемия бутун минтақаларни "иқтисодий пауза" ҳолатига келтиради ва сиёсий тизимларнинг самарадорлигини қайта кўриб чиқишга мажбур қилади. Бинобарин, аввалги тизимларнинг инқирози янги тактик альянсларнинг шаклланиши, минтақавий миқёсда стратегик конфигурацияларнинг вужудга келишига олиб келиши мумкин. Ғарб санкциялари ва молиявий-иқтисодий босимига қарам бўлмаган тизимларнинг вужудга келиш истиқболлари ҳақидаги мунозаралар ҳозирданок фаоллашмоқда. Евроосиё, Осиё ва Африкада янги сиёсий альянслар, шу жумладан минтақавий молиявий институтлар шаклланиши башорат қилинмоқда.

Шунингдек, мутахассислар томонидан пандемиядан сўнг дунёда демократия ва либерализм қадриятларига путур етиши ҳам тахмин қилинмоқда. Келгусида алоҳида давлатларда фуқаролар онгли равишда ўзларининг айрим ҳуқуқ ва эркинликлари, имтиёзларидан қисман воз кечиш эвазига ўзларининг ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолишга интилишлари кузатилиши мумкин. Бундай шароитда эса, дунёда авторитар режимларнинг вужудга келиши, борларининг янада кучайишини тахмин қилиш мумкин.

Шунингдек, Европа Иттифоқи учун, пандемия миграция билан боғлиқ зиддиятларни ҳам кескинлаштиради. Натижада, назоратсиз миграция, хусусан

Туркия-Болгария ва Туркия-Греция чегараларида жиддий муаммоларга сабаб бўлади.

COVID19 туфайли юзага келган инқироз Фарбнинг Хитой, Россия, Эрон ва Шимолий Корея ўртасидаги зиддиятнинг янгиланишига йўл очади<sup>1</sup>. Қисқаси, пандемия камроқ очиқ, камроқ тараққий этган ва камроқ эркин дунёга олиб келиши кутилмоқда.

Бугунги кунда пандемия ҳукуматлар, компаниялар ва жамиятни узоқ муддатли иқтисодий изоляция шароитида ишлашга тайёр бўлишга чақирмоқда, деб айтиш мумкин.

Бундай вазиятда АҚШ қийин ҳолатда қолиши мумкин. Бу аввало, етакчи давлатлар ўртасидаги рақобат билан боғлиқ бўлиб, пандемиядан кейинги халқаро муносабатларнинг манзарасига катта таъсир кўрсатади. Агар АҚШнинг асосий мақсади дунё етакчилигини сақлаб қолиш бўлса, Вашингтон Хитой билан ҳар жабҳада муросасиз геосиёсий қарама-қаршиликка киришга тўғри келади. Аммо, агар АҚШ пандемиядан кейин ижтимоий-иқтисодий аҳволи ёмонлашган америкаликларнинг фаровонлигини оширишга интилса, у Пекин билан ҳамкорлик қилиши керак бўлади. Аммо, бу вариант эҳтимолдан анча йироқ.

Умуман, халқаро тизим, ўз навбатида, мамлакатлар ичида ва улар ўртасидаги беқарорлик ва можароларга олиб келадиган катта босим остида қолиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Қандай бўлмасин, бу инқироз халқаро куч тузилмасини ўзгартириши мумкин. COVID-19 иқтисодий фаолиятни издан чиқариб, мамлакатлар ўртасидаги тангликни юзага келтириши мумкин. Пандемиянинг узоқ давом этиши келажакда глобал иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини пасайтириши мумкин. Ривожланаётган давлатлар ва ишчи кучи кўп бўлган давлатлар учун хавфлар айниқса катта.

Мамлакатларнинг пост-пандемия ташқи сиёсатига келадиган бўлсак, ташқи сиёсий фаолият бир-мунча вақт сусайиши мумкин, аксарият давлатлар ҳеч бўлмаганда бир неча йиллар давомида ташқи муаммоларга эмас, балки ички муаммоларга эътибор қаратиб, ўзини ўзи таъминлашга интилади. Кўпгина мамлакатлар иқтисодий тикланишда қийинчиликларга дуч келади ва инқироз ёқасида турган давлатлар сони тобора кўпайиб боради.

Бундан ташқари, инқироз АҚШ-Хитой муносабатларининг ёмонлашишига ва Европа интеграциясининг заифлашишига олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга, иқтисодий йўқотишлар энг кўп Хитойга тўғри келади. Хитой дунёнинг ишлаб чиқариш маркази бўлгани боис зарар кўлами ҳам катта бўлиши кутилмоқда. Аммо, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволига тўхталсак, АҚШ ёки Европага нисбатан паст турмуш даражасига кўникканлик у қадар фалокат сифатида қабул қилинмайди.

---

<sup>1</sup> Roubini N. A Greater Depression? Project Syndicate, 24.03.2020. URL: <https://www.project-syndicate.org/commentary/coronavirus-greater-great-depression-by-nouriel-roubini-2020-03>

Ва аксинча, ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва турмуш тарзининг пасайиши, истеъмолнинг кескин чекланишига одатланмаган АҚШ ва Европада бу жараён жиддий оқибатлар билан оғир кечади.

Шунингдек, бутун дунёда пандемиядан кейин меҳнат ҳаракатчанлиги кескин пасайиши кутилмоқда. Узоқ вақт фаол иш фаолиятидан узилганлик одамларни тезда виртуал дунёда ишлашга кўниктиради. Ва бу технологияларнинг барчаси бир нечта корпорациялар томонидан бошқарилиши дунё бўйлаб маблағларни ушбу кичик гуруҳлар фойдасига қайта тақсимланиши юз бериши кутилмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, пандемиядан кейин давлатлар, ҳукуматлар ўзларининг ташқи сиёсати йўналишлари, хусусан, ташқи энергетика стратегияларини қайта кўриб чиқишларига тўғри келади. Айниқса, нефть экспорт қилувчи давлатларнинг келгусидаги энергетика сиёсатлари тамомила ўзгаришларга дуч келиши кутилади.

Шу билан бирга, пандемиядан кейин юз бериши мумкин бўлган бир қатор ижобий ҳолатларни ҳам айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Аввало, глобал соғлиқни сақлаш тизимида бироз кучайиш бўлиши мумкин. Кўпгина давлатларнинг раҳбарлари стратегик муҳим соҳаларда, шу жумладан озиқ-овқат ва тиббиёт саноатида миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқадилар. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммолар камайиши мумкин. Шунингдек, пандемиядан кейинги вазият корхоналарни ўз маҳсулотларини сифатли ишлаб чиқариш тўғрисида кўпроқ қайғуришга мажбур қилади, бу эса самарали иқтисодиётни кўпайишига олиб келади. Бутун дунёда логистика соҳасининг ривожланиши кутилмоқда. Шунингдек, ҳукуматлар келгусида стратегик захираларга кўпроқ аҳамият қаратадилар, жамиятда одамлар кундалик турмуш тарзида шахсий санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишга одатланганликлари дунё миқёсида бошқа турли мавсумий, юқумли касалликларнинг пасайишига олиб келади.